



Амударё орқали ўтадиган янги кўприкка тамал тоши қўйилди

Президентимиз Хоразм вилоятига сафари давомида Амударё устида Хоразмни Қорақалпоғистон билан боғлайдиган 413 метрлик кўприк, Қораўзак туманидан Шовот туманингача 79 километрлик темир йўл қурилишини айтган еди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бул қурилиш бошланди.




Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини боғловчи кўприкнинг қозиғини қоқиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Баш Вазири ўринбосари А.Раматов, Хоразм вилояти ҳокими Ф.Эрманов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Камалов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси Қ.Сариев ва бир қанча нуронийлар қатнашди.




Сўзга чиққанлар бу кўприкнинг мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Аввало ҳайирли ишга ривож, халқимизга омонлик тилаб қуръон тиловат қилинди.



Янги кўприкнинг қозиғини қоқишни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Камалов бошлаб берди.





Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу кўприк Амударё туманига 1980 йилда ўрнатилган понтон кўприкнинг ёнига қурилади.

Узунлиги 413 метрни ташкил қиласидиган бу кўприк орқали автомобиль ва темир йўл ўтиши режалаштирилган.



Янги кўприк қурилгач, автомобиль ва темир йўллар орқали ташиладиган юкларнинг манзилга етиб бориш вақти 6 соатга қисқаради.

ҚР Вазирлар Кенгаши Ахборот хизмати